# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVIII СЪЕЗДИ


*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 13 июль
ЖУМА
№ 159 (4.952).

**Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси**

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин


## АХБОРОТ

**11 июль куни съезд делегатлари КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари лавозимига кўрсатилган номзодларни муҳокама қилдилар. Яширин овоз бериш учун рўйхатга А. С. Дудирев, В. А. Ивашко, Е. К. Лигачев киритилди.**

**Сўнгра делегатлар Марказий назорат комиссиясининг раиси лавозимига кўрсатилган номзодларни муҳокама қилдилар ва овоз бериш учун рўйхатда В. А. Прохоров билан Б. К. Пугони қолдирдилар.**

**Кечқурунги мажлисда съезд «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Дастурий баёнотни маъқуллади. Шундан кейин барча коммунистларнинг зиммасига КПССнинг янги Программаси қабул этилгунга қадар XXVIII съезднинг Дастурий баёнотига амал қилиш мажбуриятини юклайдиган қарор қабул этилди.**

**Съезднинг А. И. Лукьянов раислигида ўтган якунловчи мажлисида КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосарини ва Марказий назорат комиссиясининг раисини сайлаш юзасидан овоз берилди.**

**1990 йил 12 июль куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди.**

**Эрталабки мажлисда А. И. Лукьянов раислик қилди. Делегатлар саноқ комиссиясининг КПСС Марказий Комитети Бош котиби ўринбосари ва КПСС Марказий назорат комиссияси раисини сайлашда яширин овоз бериш натижалари тўғрисидаги ахборотини тингладилар.**

**Кўпчилик овоз билан В. А. Ивашко КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси этиб, Б. К. Пуго КПСС Марказий назорат комиссиясининг раиси, КПСС Марказий назорат комиссияси президиумининг аъзоси этиб сайланди.**

**Съезд саноқ комиссиясининг протоколларини тасдиқлади.**

**Сўнгра комиссия раҳбари М. С. Горбачев сўзга чиқиб, съезд илгари асос учун қабул қилган КПСС Устави лойиҳасига тузатишлар ва қўшимчаларни таҳлил қилиб берди.**

**Делегатлар лойиҳага доир мунозараларни давом эттирдилар. Батафсил ва принципиал фикрлашиб олингандан сўнг муҳокама тўхтатилди. Делегатлар киритган таклифлар пухта ишлаб чиқиш учун комиссияга топширилди.**

**Мажлис давомида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков съезд қатнашчиларига 11 июль куни бўлиб ўтган шахтёрлар иш ташлаши ҳақида ахборот берди. Съезд ахборотни маълумот учун қабул қилди.**

**Съезд кечки мажлис бошланишида «КПССнинг маориф, фан ва маданият соҳасидаги сиёсати тўғрисида»ги резолюцияни кўриб чиқди ва қабул қилди. Шундан сўнг мажлис М. С. Горбачев раислигида ўтди.**

**Съезд партиянинг марказий раҳбар органлари таркибига номзодларни кўрсатиш ва уларни муҳокама қилишга киришди.**



МОСКВА. Кремлнинг Съездлар саройи. Суратда: КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев съезд делегатлари орасида. Ф. Қурбонбоев олган сурат. (ТАСС—ЎзТАГ телесурати).

## ОЛҒА ТОМОН ҚИЙИН ЙЎЛ

Коммунистларнинг партиядаги, мамлакатдаги ҳозирги аҳволнинг энг муҳим масалаларига доир позицияси, танг вазиятдан чиқиш йўлларини излаш съезд ҳужжатларида мужассамлашмоқда. Шунинг учун ҳам съезднинг дастурий баёноти, резолюциясининг ҳар бир қоидаси теварагида шу қадар ўткир, қизғин, баъзан эса ҳаддан ташқари қизғин баҳслар юз бермоқда.

11 июль куни эрталаб раислик қилувчи **А. Н. Муталибов** ҳужжатлар лойиҳаларига доир мунозараларни бошлашдан олдин делегат **Д. Н. Кугультинов**га сўз берди. Замонамиз қаҳрамони, учувчи Анатолий Гришченконинг вафоти муносабати билан, деди у, съезд номига коммунистлардан, бошқа фуқаролардан телеграммалар келмоқда. Унинг хотирасини тик туриб ҳурматлаш таклиф қилинади.

Сўнгра делегатлар кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишни давом эттирдилар.

«КПССнинг бюджети ва мол-мулки тўғрисида»ги резолюция лойиҳаси юзасидан таҳрир комиссиясининг раиси **В. А. Ивашко** сўзга чиқади. У делегатларнинг кўриб чиқиши учун комиссия ушбу резолюция лойиҳасини тақдим этганлигини эслатади. Шундан буён ўтган вақт ичида мулоҳазалар ва таклифлар тушди. Уларнинг кўплари дастлабки вариантда партия бюджетининг тузилиши ва ижросини назорат қилиш масалалари кўзда тутилмаганлигига тааллуқлидир. Шу муносабат билан Марказий Комитетга ва Марказий назорат комиссиясига партиянинг ҳозирги иш шароитини ва партия аъзолик бадалларининг тақсимланишини ҳисобга олиб, партия бюджетини шакллантириш ва унинг ижроси, шунингдек партия бюджетини назорат қилишнинг янги воситасини ишлаб чиқишни топшириш кўзда тутилади.

Даволаш базасидан бутун партия манфаатларини кўзлаб фойдаланиш юзасидан бир қанча таклифлар киритилган. Комиссия, деди унинг раиси, даволаш базасидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблайди.

Айрим мулоҳазалар ва таклифлар имтиёзлар тўғрисидаги масалаларга тааллуқлидир. Резолюцияга тегишли аниқликлар киритилди. Имтиёзлар комиссиясига бу хусусда партиядаги ишнинг аҳволини уч ой муддат ичида ўрганиб чиқиш ва ўз хулосаларини Марказий Комитет ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма мажлисида баён қилиб бериш, қарорни шу йилнинг охиригача матбуотда эълон қилиш таклиф этилди.

Нотиқ таҳрир комиссиясига секретариатдан съезднинг «КПСС мулки тўғрисида»ги қарорининг делегат В. Н. Лисенко имзолаган лойиҳаси тушганлигини маълум қилди. Унинг моҳияти шундаки, КПСС гўё ғайриқонуний йўл билан орттирган ўзининг бутун мулкидан ихтиёрий равишда воз кечиши лозим. Комиссия бу лойиҳани кўриб чиқиб, у Марказий Комитетнинг Сиёсий ҳисоботига доир резолюциясига зиддир, деган хулосага келди. Резолюцияда бундай деб ёзиб қўйилган: съезд партияни иқтисодий ёки сиёсий таъқиб этишга уринишларга барча қонуний воситалар билан қатъий қарама-қарши туриш ниятидадир.

КПСС бюджети ва мол-мулки тўғрисидаги резолюция асос учун қабул қилинади.

Делегатлар лойиҳага бир қанча мулоҳазаларни муҳокама қилганларидан сўнг тузатишларни ҳисобга олиб, КПСС XXVIII съездининг «КПСС бюджети ва мол-мулки тўғрисида»ги резолюциясини қабул қиладилар.

Сўнгра В. А. Ивашко бир қанча делегатлар сиёсий партияларга, жамоат ҳаракатлари ва ташкилотларига КПССнинг муносабати тўғрисида резолюция қабул қилишни таклиф этганликларини эслатди. Таҳрир комиссияси бундай резолюция лойиҳаси устида иш олиб борди. Лекин съезднинг асосий ҳужжатларини, шу жумладан Дастурий баёноти ва Уставни таҳлил қилиб, комиссия бу ҳужжатларда КПССнинг бошқа партиялар ва ташкилотларга муносабати масалалари етарли даражада тўла ёритилган, деган хулосага келди. Ана шуни ҳамда сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатлари тўғрисидаги қонун ҳали қабул қилинмаганлигини эътиборга олиб, таҳрир комиссияси мазкур масала юзасидан резолюция ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди.

Делегатлар бу таклифга қўшилдилар.


**(Давоми иккинчи бетда).**


### Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVIII съездининг

# РЕЗОЛЮЦИЯСИ

## КПССнинг БЮДЖЕТИ ВА МУЛКИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитети Ишлар мудири ўртоқ Н. Е. Кручинанинг КПСС бюджети ва мулки тўғрисидаги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Съезд таъкидлайдики, бюджетни шакллантириш ва ижро этиш тартиби КПССнинг жамиятдаги янги вазифаларига ва мавқеига секинлик билан мувофиқлаштирилмоқда. Партиянинг моддий базаси ва бюджети тўғрисида ошкоралик ва хабардорлик таъминланмаган. Молиявий ва мулкий масалаларга доир бир қанча қарорларни қабул қилиш чоғида партиянинг сайлаб қўйилган органларининг, коммунистларнинг фикри ҳисобга олинмаган. КПСС Марказий Комитети, партия комитетлари маблағдан оқилона фойдаланмасликка, объектлар қурилишида ортиқчаликка, КПССга қарашли мулкни топшириш чоғида ўзибўларчиликка йўл қўйганлар.

3. Съезд бюджетни шакллантириш манбаларини ривожлантириш ҳамда партия мулкидан оқилона фойдаланиш хусусида партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқлари ва бурчларини кенгайтириш учун ҳаракат қилади. Партия ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти регионларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, демократик асосларда қурилиши, бунда КПСС ҳар бир ташкилоти иши учун зарур моддий шароитни яратиш кўзда тутилиши лозим.

4. Съезд КПСС Марказий Комитетига ва КПСС Марказий назорат комиссиясига шу йилнинг охиригача партия ташкилотларининг мустақиллиги кенгайиб бораётган, ўзини ўзи пул билан таъминлашга, пул маблағларини бошланғич партия ташкилотлари фойдасига қайта тақсимлашга ўтиш шароитида партия бюджетини шакллантириш, ижро этиш ва назорат қилишнинг янги воситаларини ишлаб чиқишни, ишни партия комитетларининг, партия муассасаларининг структураларини такомиллаштириш, ходимларнинг штатли сонини камайтириш йўли билан умумий харажатларни қисқартириш сари олиб боришни топширади. КПССнинг мавжуд даволаш базасидан партия барча аъзоларини даволаш ва уларнинг дам олиши учун фойдаланилсин.

5. Съезд тасдиқлайдики, КПСС қонунга мувофиқ ўзининг коммунистларнинг кўп авлодлари томонидан барпо этилган мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади, умумпартия мулкини партиянинг дастурий ва Уставдаги мақсадларига эришиш йўлида амалий ишларни олиб бориш учун зарур шарт-шароит деб билади.

КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий назорат комиссияси 1990-1991 йилларда КПСС мулки бўлган объектларни эксперт баҳоласинлар ва улардан самаралироқ фойдаланиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқсинлар. КПСС мулкини сотиш, топшириш ҳамда беришнинг бошқа турлари фақат коммунистларнинг фикри ҳисобга олиниб, КПСС Уставида ва қонунда белгилаб қўйилган тартибдагина бўлиши мумкин.

Партия комитетлари, КПСС ташкилотлари ва муассасалари юридик шахс ҳуқуқини тўла даражада амалга оширсинлар, партиянинг молиявий ва моддий ресурсларини мустаҳкамлаш учун улардан оқилона фойдалансинлар.

6. Съезд тузилган имтиёзлар комиссиясига партиядаги ишларнинг аҳволини уч ой муддатда ўрганиб чиқиб ўз хулосалари ва таклифларини КПСС Марказий Комитети ва КПСС Марказий назорат комиссиясининг қўшма мажлисига киритишни топширади. Ушбу масалага доир қарор шу йилнинг охиригача партия матбуотида эълон қилинсин.

* * *

Съезд партия комитетлари, бошланғич ташкилотлар, ҳар бир коммунист партия мулкини мустаҳкамлашда фаол қатнашади, КПСС фаолиятининг янги шароитида моддий воситалардан ва пул маблағларидан самарали фойдаланишга эришадилар, деб ишонади.

## ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

11 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, жумҳурият Президенти И. А. Каримов КПСС XXVIII съездининг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари билан учрашди. Ҳозир коммунистлар халқнинг партияга ишончини, партия обрўсини тиклашлари, жамиятдаги пешқадамлик мавқеи учун курашишлари зарур, деб тез-тез айтилаётган гаплар асосида унинг сўзлари ғоят ишончли янгради.

И. А. Каримов айтган гаплардан қуйида келтирамиз: Ўзбекистонда Компартиянинг аҳволи бошқа жумҳуриятлар ва умуман Иттифоқимиздагидан бирмунча фарқ қилади. Ўзбекистон Компартиясининг яқинда бўлиб ўтган йигирма иккинчи съезди у етакчи, асосий куч бўлиб қолаётганлигини, мамлакатимиз бошқа регионларидаги каби унинг обрўси пасаймасдан, аксинча кўтарилаётганлигини кўрсатди. Партияга бир ярим йил ичида йигирма икки минг киши аъзо бўлиб кирди, ундан бир минг беш юз етмиш киши чиқди.

Айни вақтда И. А. Каримов партияни жумҳуриятимиздаги етакчи куч эканлигини айтиб, у **ҳозирча** шундай бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлади. Кўп партиялилик сари қадам ташлаётган жумҳуриятнинг раҳбари бўлган, вазиятни ҳушёрлик ва вазминлик билан баҳолай оладиган, «ҳозирча» дейишига кўра, бошқа ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар билан турли хил мусобақалар бўлишини истисно этмаётган биринчи котибга муносиб баҳо бериш керак. Айни пайтда Ўзбекистон коммунистларининг раҳбари Компартиянинг жумҳурият, унинг халқи манфаатларига содиқлиги, шу асосда ушбу манфаатларни ҳимоя қилаётган ҳамда социалистик ҳаракат дастури томонида турган ҳар қандай кучлар билан ошкора ҳамкорлик қилишга интилаётганлиги унинг мавқеи мустаҳкамлигига бўлган ишончдан дарак беришини айтди.





МОСКВА. Кремлнинг Съездлар саройи. Суратларда: Ўзбекистон делегациясининг совет ва чет эл журналистлари билан учрашуви; Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов журналистлар саволларига жавоб бермоқда. Ф. Қурбонбоев олган суратлар. (ТАСС—ЎзТАГ телесурати).

Журналистлар билан учрашувда Ўзбекистоннинг Иттифоқ шартномасига асосланган бўлажак Совет федерациясидаги мақоми қандай бўлади, деган савол ҳам берилди. Мазкур масала юзасидан бизнинг фикримиз битта, деб жавоб қайтарди И. А. Каримов: Иттифоқ шартномасини бундан аввалроқ тузиш керак эди. Агар биз ҳозирги пайтда ўзимизни жуда безовта қилаётган воқеалардан олдинда бора олганимизда, деб сўзида давом этди у, Иттифоқ шартномаси, эҳтимол, миллатлараро тўқнашувларнинг ҳам, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий танглигининг ҳам олдини олишга имкон берган бўлур эди. Энди шартноманинг ўзи ҳақида гапирадиган бўлсак, у биз Иттифоқ идораларига ихтиёрий равишда қандай ваколатларимизни беришни, жойларнинг ўзида эса нималарни ҳал этишимизни белгилаб бериши керак. Мен мудофаа, халқаро сиёсат масалаларини, айтайлик, коммуникация, темир йўл, ҳаво йўллари сингари жумҳуриятлараро масалаларни марказ ихтиёрига бериш керак, деб ҳисоблайман. Қолган барча масалалар иттифоқдош жумҳуриятда ҳал қилиниши лозим ва биз ҳар бир иттифоқдош жумҳуриятнинг мустақиллигини шунда деб биламиз.

Кутилганидек, Ўш воқеаларига муносабат ҳақида ҳам сўрашди. Жумҳурият раҳбарияти фикрини изҳор қилар эканман, деб жавоб қайтарди И. А. Каримов, Ўш воқеалари учун масъулият энг аввало Қирғизистон раҳбарияти ва жамоатчилиги зиммасига тушади ва фақат улар ўз масалаларини ҳал қилишлари керак. Биз Ўш вилоятида бўлган тўқнашув жумҳуриятлараро тўқнашувга айланишидек аҳволга ҳеч қачон йўл қўйишни хоҳламасдик. Бу Қирғизистоннинг ички иши эканлигини яна бир марта такрорлайман. Лекин, айни вақтда биз Ўзбекистонда туриб, Ўш вилоятида қилинган жаҳолатпарастликка бефарқ қарай олмаймиз. Шу сабабли, модомики, биз ягона федерацияда яшаётган, унга муайян ваколатлар берган эканмиз, мазкур масалада бизнинг бутун Совет федерация-


**(Давоми иккинчи бетда).**

